

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.В.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИОФИЗИКА ВА БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ

КОМИЛОВ ЭСОХОН ЖЎРАЕВИЧ

**МИТОХОНДРИЯЛАРНИНГ ИОН-ТРАНСПОРТ ТИЗИМЛАРИГА
АЙРИМ ФЛАВОНОИДЛАРНИНГ ТАЪСИР МЕХАНИЗМЛАРИ**

03.00.08- Одам ва ҳайвонлар физиологияси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Комилов Эсохон Жўраевич

Митохондрияларнинг ион-транспорт тизимларига айрим флавоноидларнинг таъсир механизлари.....3

Комилов Эсохон Жўраевич

Механизмы действия некоторых флавоноидов на ион-транспортующие системы митохондрий.....21

Komilov Esokhon Jo'raevich

Mechanisms of actions of some flavonoids on mitochondrial ion-transport systems39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА
ВА БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.В.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИОФИЗИКА ВА БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ

КОМИЛОВ ЭСОХОН ЖЎРАЕВИЧ

**МИТОХОНДРИЯЛАРНИНГ ИОН-ТРАНСПОРТ ТИЗИМЛАРИГА
АЙРИМ ФЛАВОНОИДЛАРНИНГ ТАЪСИР МЕХАНИЗМЛАРИ**

03.00.08-Одам ва ҳайвонлар физиологияси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/B72 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги Биофизика ва биокимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ibb-nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Асраров Музаффар Исламович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шахмурова Гульнара Абдуллаевна
биология фанлари доктори, профессор

Кулкараев Абдисалим Каримович
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институти хузуридаги DSc. 03/30.12.2019.B.01.13 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «14» ИЮНЬ соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246–68–96.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги Биофизика ва биокимё институти Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (14 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246–68–96. e-mail: ibb-nuu@mail.ru

Диссертация автореферати 2020 йил «14» ИЮНЬ да тарқатилди.
(2020 йил «12» ИЮНЬ даги № 1 рақамли реестр баённомаси).



Р.З.Сабилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., академик

Р.Ш.Курбанназарова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д.

И.Г.Ахмеджанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда дунёда юрак-қон томир, эндокрин, асаб тизими ва бошқа касалликларни даволашда янги самарали фармакологик воситаларни излаш ва уларни тиббиётга тадбиқ этиш долзарб мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Табиий бирикмалар асосидаги дори воситалари синтетик препаратларга нисбатан хавфсизроқ эканлиги, уларнинг самаралилик даражаси ҳам юқори бўлганлиги сабабли, янги дори воситаларини яратишда полифенол бирикмаларга катта эътибор берилмоқда. Шунингдек, дори воситаларининг асосини ташкил қилган полифенол бирикмаларни ҳужайра, митохондрия ва молекуляр даражада таъсир механизмларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда жаҳоннинг йирик илмий марказларида ўсимликлардан ажратиб олинган турли флавоноидлар асосида янги самарали фармакологик препаратлар яратилган. Ушбу препаратларнинг антиоксидант ҳамда антигипоксант хоссалари аниқланган, шунингдек уларнинг ҳужайравий, апоптик ва мембранавий жараёнларга таъсири кўрсатилган. Ҳозирги вақтда янги фармагентларни яратишда, уларнинг патологик ҳолатларда биомембраналарга, митохондрияларга таъсир механизмларини аниқлашни ва турли мембранавий бузилишларни коррекциялашни тақозо этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ўсимлик полифеноллари асосида истиқболли дори воситаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада кўпгина флавоноидларнинг фармакологик хоссалари, организмда кечаётган турли ҳужайравий ва физиологик жараёнларга уларнинг таъсири аниқланган. Аммо уларнинг молекуляр ва мембраналар даражасидаги таъсир механизмлари шу вақтгача тўлиқ ёритилмаган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминлашни яхшилаш...»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда ўсимлик полифенолларининг мембранавий ва митохондриал жараёнларга таъсирини аниқлашга, мембранавий шикастланишларни флавоноидлар билан коррекция қилишга, тадқиқ қилинган флавоноидлар асосида фармакологик воситалар яратишга йўналтирилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон «Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўсимликлардан ажратиб олинган янги флавоноид бирикмаларнинг биологик мембраналарга ва унга боғлиқ жараёнларга таъсир механизмларини аниқлаш ҳозирги вақтда дунёнинг йирик илмий марказларида амалга оширилмоқда. Хусусан, А.У.Сhoi ва ҳаммуаллифлари (2011) нейробластомаларда, Q.Chen ва ҳаммуаллифлари (2012) G.Seelinger ва ҳаммуаллифлари (2008) карциномаларда лютеолин апоптозни индукциялашини ва турли каспаза ферментларини фаоллаштиришини кўрсатиб берган. Бундан ташқари, Qiao ва ҳаммуаллифлари (2016) ороксилин А митохондрияларда оксидланишли фосфорланиш жараёнини ажратувчи оксилларни бошқариш йўли билан антиканцероген фаолликни намоён қилишини кўрсатган.

МДХ мамлакатларида проф. Г.Д.Миронова (2008, 2011) раҳбарлигида флавоноид тутувчи препаратларнинг митохондриялардаги АТФга боғлиқ K^+ -каналига (мито K_{ATP} -канал) таъсири тадқиқ қилинган. Бундан ташқари, А.М.Попов ва унинг ҳамкасблари (2016) лютеолиннинг антиоксидантлик ва мембранотроп хоссаларини турли модел тизимларда аниқлаган.

Республикада проф. К.Т.Алматов (2005) флавоноидларнинг митохондриялар оксидланишли фосфорланиш жараёнлари ва митохондриялар фермент тизимларига таъсири бўйича илмий изланишлар олиб борган. Шунингдек, проф. М.И.Асраров раҳбарлигида митохондрия функционал параметрларига турли биологик фаол моддалар, хусусан, флавоноидларнинг ҳам таъсири тадқиқ этилмоқда. Бироқ флавоноидларнинг жигар митохондриялари ион транспорт тизимларига таъсир механизмлари чуқур ёритилмаган. Шу сабабдан ушбу илмий тадқиқотларни амалга ошириш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф5-Т084 «Митохондриялар транспорти ва метаболик жараёнлар биорегуляторларининг меъёр ва патологиядаги таъсирини тавсифлаш» (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳа, ЎЗР ФА Биоорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-АЁО-11 «Лютеолин полифенолининг ҳамда унинг ҳосилаларини (цинарозид) циклодекстринлар билан сувда эрийдиган комплексларини олиш усулларини ишлаб чиқиш ва уларни биологик фаолликларини ўрганиш» (2017-2018) мавзусидаги ёшлар илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади каламушлар жигар митохондрияларининг баъзи ион-транспорт тизимларига ва энергетик метаболизмга ўсимлик флавоноидларнинг таъсир механизмларини тавсифлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

in vitro тажрибаларда ороксилин А, лютеолин, пуликарин ва изорамнетин флавоноидларининг каламуш жигар митохондрияларининг Ca^{2+} -боғлиқ РТР га, мито $\text{K}_{\text{ATФ}}$ -каналига таъсирини тавсифлаш;

ороксилин А, лютеолин, пуликарин ва изорамнетин флавоноидларининг каламуш жигар митохондрияларининг нафас олиши ва оксидланишли фосфорланишига таъсирини аниқлаш;

ороксилин А, лютеолин, пуликарин ва изорамнетин флавоноидларининг каламуш жигар митохондрияларида липидларнинг перекисли оксидланишига таъсирини тадқиқ қилиш;

in vitro тажрибаларда каламуш жигар митохондрияларининг мембранаси пассив ўтказувчанлигига ороксилин А, лютеолин, пуликарин ва изорамнетин флавоноидларининг таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида каламуш жигари митохондриялари, РТР, мито $\text{K}_{\text{ATФ}}$ -канал, ўсимлик флавоноидлари (ороксилин А, лютеолин, пуликарин ва изорамнетин), митохондрия ички мембранаси пассив ион ўтказувчанлиги, липидларнинг перекисли оксидланиши олинган.

Тадқиқотнинг предмети ўсимлик флавоноидларининг мембранафаол хоссалари, уларнинг каламуш жигари митохондриялари функциясига таъсири ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларни бажаришда замонавий физиологик, биокимёвий ва биофизик жараёнларни тадқиқ қилишда кенг қўлланиладиган дифференциал центрифугалаш, фотометрия, спектрофотометрия, полярография усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ороксилин А, лютеолин, пуликарин, изорамнетин флавоноидлари диазоксид каби жигар мито $\text{K}_{\text{ATФ}}$ -канални фаоллаштириши аниқланган;

каламуш жигар митохондрияларининг Ca^{2+} -га боғлиқ РТР сини очилишини ороксилин А, лютеолин, пуликарин, изорамнетин ингибирлаши исботланган;

митохондрия мембраналарида Fe^{2+} /аскорбат тизими билан индуцирланган липидларнинг перекисли оксидланишини ороксилин А, лютеолин, пуликарин, изорамнетин флавоноидлари билан ингибирланиши исботланган;

ороксилин А ва лютеолин флавоноидлари митохондрия ички мембранасининг H^+ , K^+ , Na^+ ва Ca^{2+} катионлари учун пассив ион ўтказувчанлигини ошириши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ороксилин А, лютеолин, пуликарин, изорамнетин флавоноидлари митохондриялар мембранасини стабиллаштирган, улар асосида янги цитопротекторлар яратилиши истикболлари очилган;

флавоноидларни антиоксидант хоссалари янги самарали фармакологик воситалар яратишга асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг замонавий биофизик тадқиқот усуллари ва асбоб-ускуналари, орқали олинганлиги билан тасдиқланади. Олинган натижаларнинг исботи, шунингдек, уларнинг тадқиқот натижаларининг рецензияланган илмий нашрларда чоп этилишида экспертларнинг ижобий тақризи билан изоҳланади. Олинган маълумотларни қайта ишлаш Стъудент критерияси ёрдамида ўртача қийматнинг ишончлилиқ интервали оралиқ қийматларини ҳисоблаган ҳолда Origin 6.1 компьютер дастурида (OriginLab Corporation, АҚШ) статистик таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти флавоноидларнинг митохондриялар мембранасида жойлашган ион каналлари – Ca^{2+} -боғлиқ РТР ва митоK_{АТФ}-каналлини модуляцияловчи механизмларини ёритиш билан изоҳланади. Аниқланган таъсир механизмлар биологик фаол моддаларнинг организмга таъсири тўғрисидаги ҳозирги замон илмий тасаввурларини бойитиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ушбу биологик фаол флавоноидлар юқори антиоксидант моддалар бўлиб, улар асосида янги цитопротекторлар ва дори воситалар яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Флавоноид моддаларни митохондрия функционал тизимларига таъсири буйича олинган натижалар асосида:

флавоноид бирикмаларни аниқланган антиоксидант хоссаларидан Сургут давлат университетининг «Инновационные технологии извлечения, идентификации полифенолов дикоросов ХМАО-Югры и исследование их геропротекторных свойств при возраст-ассоциированных заболеваниях на Севере» мавзусидаги амалий лойиҳасида патологик шароитларда биомембраналарни стабиллашувини аниқлашда фойдаланилган (Сургут давлат университетининг 2019 йил 5 апрелдаги № 12,03/1150-сон маълумотномаси). Натижада флавоноид бирикмаларнинг ёшга доир геропротектор таъсир механизмларини тавсифлаш имконини берган;

лютеолиннинг антиоксидантлик ва РТР ни очилишини ингибирлаш хоссаларидан ФА-Ф6-Т083 рақамли «Юрак ва силлиқ мускул хужайраларини Ca^{2+} -гомеостазини биологик фаол моддалар ёрдамида модуляция йўллариини излаш ва тавсифлаш» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида каламуш аорта препаратида флавоноиднинг релаксант таъсирини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 21 февралдаги №4/1255-482 рақамли маълумотномаси). Натижада лютеолиннинг антиоксидант хоссаси ҳамда силлиқ мускул хужайраларида жойлашган L-тип Ca^{2+} -каналлари фаоллигини сусайтирувчи таъсири ўртасидаги боғлиқлик исботланган;

пуликарин флавоноидининг митохондриялар АТФ га боғлиқ калий каналлини фаоллаштириши хоссасидан ФА-Ф6-Т083 рақамли «Юрак ва

силлиқ мускул хужайраларини Ca^{2+} -гомеостазини биологик фаол моддалар ёрдамида модуляция йўллари излаш ва тавсифлаш» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида юрак папилляр мускулларига таъсирини тавсифлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 21 февралдаги №4/1255-482 рақамли маълумотномаси). Натижада пуликариннинг кардиопротектор фаоллигини тавсифлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та ҳалқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш нашир этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, илмий тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Митохондрияларда ионлар транспорти ва уларга биологик фаол моддаларнинг таъсир механизмлари**» деб номланган биринчи бобида митохондрияларнинг функционал фаоллиги, хужайра физиологиясидаги уларнинг роли, митохондриялардаги ион-транспорт тизимларининг бошқарилиш механизмлари, Ca^{2+} -боғлиқ РТР ва мито K_{ATP} -каналли тузилиши ва функцияси бўйича замонавий адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган. Бундан ташқари флавоноидларнинг жигар митохондриялари функционал параметрларига таъсири баён қилинган

Диссертациянинг «**Митохондриялар функционал ҳолатини аниқлашда тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларни олиб бориш босқичлари, уларни бажаришда фойдаланилган материаллар ва усуллар келтирилган. Жумладан, каламуш жигаридан митохондрияларни дифференциал центрифугалаш усулида ажратиш, митохондрия мембранасининг Ca^{2+} -боғлиқ РТР, мито K_{ATP} -каналли фаоллигини аниқлашнинг фотометрик усули, митохондрияларда

липидларнинг перекисли оксидланиш маҳсулотларини аниқлаш, мембраналар пассив ион ўтказувчанлигини фотометрик ўлчаш, митохондрия нафас олиши ва оксидланишли фосфорланишни полярографик аниқлаш усуллари. Шунингдек, митохондриялардаги оксил миқдорини аниқлаш усуллари ва натижаларни статистик қайта ишлаш услуги ёритилган.


Диссертациянинг «Флавоноидларнинг митохондриялар ион транспорт тизимига таъсир механизмларини тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобида ороксиллин А, лютеолин, пуликарин, изорамнетин флавоноидларини *in vitro* тажрибаларда каламуш жигари митохондриялари РТР сига, митоK_{АТФ}-каналли фаоллигига ва оксидланишли фосфорланишига таъсири ҳамда митохондрияларда Fe²⁺/аскорбат тизими билан индуцирланган ЛПО га, шунингдек митохондриялар ички мембранасининг пассив ион ўтказувчанлигига таъсири тадқиқ қилинди.

Жигар митохондриялари Ca²⁺-га боғлиқ РТР ҳолатига флавоноидларнинг таъсири¹. Ca²⁺-га боғлиқ РТР ички мембранада жойлашган, табиатан канал бўлиб ички мембранани кесиб ўтади ва мембрана ўтказувчанлиги ўзгаришларини таъминлайди. Ҳайвон ҳужайралари фаолиятида митохондриялар РТР си муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у метаболизм ва ион алмашинуви регуляциясида иштирок этади.

In vitro тадқиқотларда митохондрияларнинг CaCl₂ нинг 10 мкМ концентрацияси таъсиридаги бўкиш ҳолатида ороксиллин А, лютеолин, пуликарин ва изорамнетин флавоноидларнинг 50, 100, 150 ва 200 мкМ концентрацияларининг Ca²⁺-боғлиқ РТР га таъсири тадқиқ этилди (1,а-расм). Бунда ороксиллин А флавоноиди 50 мкМ концентрацияда РТР нинг очилишини назоратга нисбатан 18,8% га ингибирлаши аниқланди. Флавоноиднинг 100 ва 150 мкМ концентрациялари таъсирида РТР очилишини, назоратга нисбатан мос равишда – 45,6% ва 69,7% га ингибирлаши аниқланди (1,а-расм). Шундай қилиб, ороксиллин А РТР га ингибирловчи таъсир кўрсатади, бунда флавоноиднинг РТР ни яриммаксимал ингибирловчи (IC₅₀) концентрацияси IC₅₀=108,4±4,5 мкМ ни ташкил этди.

Лютеолиннинг 50 мкМ концентрацияси РТР нинг очилишини, назоратга нисбатан 10,8% га, 100 мкМ концентрацияси эса 32,0% га ингибирлаши аниқланди (1,б-расм). Шунингдек, лютеолиннинг 150 ва 200 мкМ концентрациялари РТР нинг очилишини, назоратга нисбатан мос равишда, 55,4% ва 73,1% га ингибирлаши кўрсатилди. Олиб борилган тажрибалардан маълум бўлдики, лютеолин флавоноиди жигар митохондрияларидаги Ca²⁺-боғлиқ РТР га ингибирловчи таъсир кўрсатиб, унинг яриммаксимал ингибирловчи концентрацияси IC₅₀=137,4±5,3 мкМ ни ташкил этди.

¹ Митохондриялар ион транспорт тизимларига флавоноидларнинг таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар б.ф.н. Н.А.Эргашев билан ҳамкорликда бажарилган.



1-расм. Каламуш жигари митохондрияларида Ca^{2+} -боғлиқ РТР га: а) ороксиллин А, б) лютеолин, в) изорамнетин, г) пуликарин флавоноидларнинг таъсири (* – $p < 0,05$; ** – $p < 0,01$; * – $p < 0,001$; $n=6$).**

Изорамнетиннинг 50 мкМ концентрацияси РТР очилишини 23,9% га ингибирлаши кўрсатилди (1,в-расм). Ушбу флавоноид 100 мкМ ва 150 мкМ концентрацияларида Ca^{2+} -ионлари билан чақирилган РТР очилишини, назоратга нисбатан, мос равишда 44,7% ва 74,3% га ингибирлайди. Шундай қилиб, изорамнетин РТР очилишига ингибирловчи таъсир кўрсатиб, ушбу флавоноиднинг яриммаксимал ингибирловчи концентрацияси $IC_{50}=103,7 \pm 4,5$ мкМ ни ташкил этди.

Тажрибаларда пуликарин флавоноидининг митохондрия РТР сига таъсири ўрганилди ва пуликариннинг 50 мкМ концентрацияси РТР нинг Ca^{2+} -боғлиқ очилишини назоратга нисбатан 21,4% га ингибирлаши аниқланди (1,г-расм). Флавоноиднинг 100 ва 150 мкМ концентрациялари РТР очилишини назоратга нисбатан мос равишда 39,0% ва 60,3% га ингибирлаши аниқланди. Ушбу флавоноиднинг яриммаксимал ингибирловчи концентрацияси $IC_{50}=123,0 \pm 3,5$ мкМ ни ташкил этди.

Демак, юқорида тадқиқ қилинган флавоноидлар (ороксиллин А, лютеолин, пуликарин ва изорамнетин) жигар митохондриялари ички мембранасида жойлашган РТР ҳолатига ингибирловчи таъсир кўрсатар экан. Маълумки, турли патологик ҳолатларда турли хил хужайралар митохондриялари специфик пораси РТР ўтказувчанлигини ўзгариши, яъни очилиши кузатилади. Бунда шуни таъкидлаш керакки, олинган натижалар РТР нинг структуравий элементи бўлган оқсил циклофилин Д нинг ингибирланиши билан изоҳлаш мумкин, чунки ушбу элемент РТР ни

очирилиши ҳамда ёпирилиши бошқариб туради. Шуни қайд этиш лозимки, флавоноидларнинг РТР нинг ингибирловчи хоссаларидан патологик ҳолатларда митохондриялар мембранасидаги турли шикастланишларни коррекцияловчи агент сифатида фойдаланиш истиқболларини очади.


МитоК_{АТФ}-канал фаоллигига флавоноидларнинг таъсири. Маълумки, К⁺ ионларини митохондриялар матриксига ички мембранадан ўтказувчи канал АТФ нинг физиологик концентрацияси таъсирида ингибирланади. Шунга асосан, бу канал митохондриялардаги АТФ га боғлиқ К⁺-канал деб номланган (митоК_{АТФ}-канал) ва ҳозирги вақтда унинг специфик активаторлари – диазоксид, кромакалим, пинацидил аниқланган. МитоК_{АТФ}-канал организмнинг гипоксияга адаптациясида, ишемиядаги кардиопротекцияда, хужайравий жараёнларнинг регуляциясида муҳим роль ўйнагани, шунингдек, турли фармагентлар учун специфик «нишон» бўлганлиги сабабли ушбу канал фаоллигига флавоноидларнинг таъсирини тадқиқ қилдик.

Тажрибаларда пуликарин, изорамнетин ва ороксиллин А флавоноидлари митоК_{АТФ}-канал фаолиятига ўзига хос фаоллаштирувчи таъсир кўрсатиши аниқланди (2-расм). Бунда лютеолин, ушбу флавоноидлардан фарқ қилиб, митоК_{АТФ}-канал фаоллигига икки фазали, яъни ҳам фаоллаштирувчи, ҳам ингибирловчи таъсир кўрсатди. Лютеолин 10, 20 ва 30 мкМ концентрацияларда митоК_{АТФ}-канал фаоллигини, АТФ ингибирлаган ҳолатга нисбатан фаоллаштириши аниқланди. Флавоноиднинг 30 мкМ концентрацияси таъсирида эса энг юқори фаоллиги кузатилди, яъни АТФ иштирокида ингибирланишига нисбатан 2,5 бараварга ошириши намойён бўлди. Лютеолиннинг концентрацияларини янада оширилиши митоК_{АТФ}-канал фаоллигини максимумга нисбатан камайишига олиб келди.

Лютеолиннинг ҳам фаоллаштирувчи, ҳам ингибирловчи таъсири, яъни «гумбазсимон» эффекти айрим флавоноид тутувчи – «Эксралайф», «Бадан» ва «Амла» препаратларида ҳам кузатилган.

Пуликариннинг ушбу каналга эффекти, лютеолиннинг «гумбазсимон» таъсиридан фарқ қилади, яъни флавоноид 20 мкМ концентрацияда митоК_{АТФ}-канал фаоллигини, инкубация муҳитида АТФ мавжудлиги шароитида, 24,7% га ҳамда 30 мкМ концентрацияда 45,2% га оширди (2, б-расм). Пуликарин флавоноиди юқорироқ 40 ва 50 мкМ концентрацияларда ҳам митоК_{АТФ}-канални фаоллаштириши аниқланди: бунда канал фаоллиги, мос равишда, 58,4% га ва 75,1% га ошди (2, б-расм).

Изорамнетин флавоноидининг митоК_{АТФ}-канал фаоллигига таъсири ўрганилганда, ушбу флавоноид 10 мкМ дан 50 мкМ гача бўлган концентрацияларда канал фаоллигига таъсир этмади (2, в-расм). Флавоноиднинг 100 мкМ концентрацияси таъсирида митоК_{АТФ}-канал фаоллиги, канални АТФ ингибирлаган ҳолатга нисбатан, 10,3% га, 150 мкМ концентрацияда эса 19,7% га ва ниҳоят 200 мкМ концентрацияда эса 33,1% га ошириши аниқланди. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, изорамнетин юқори концентрацияларда митоК_{АТФ}-каналга фаоллаштирувчи таъсир кўрсатади.



2-расм. Жигар митохондриялари митоK_{АТФ}-канал фаоллигига флавоноидларнинг таъсири: а) лютеолин, б) пуликарин, в) изорамнетин, г) ороксиллин А (* – $p < 0,05$; ** – $p < 0,01$; *** – $p < 0,001$; $n=6$).

Ороксиллин А нинг ўрганилган 50 ва 100 мкМ концентрациялари таъсирида митоK_{АТФ}-канал фаоллигида деярли ўзгариш сезилмади. Аммо флавоноиднинг 150 мкМ концентрацияси таъсирида митоK_{АТФ}-канал фаоллиги 7,1% га, 200 мкМ концентрацияси таъсирида эса 12,4% га фаоллашиши аниқланди (2,г-расм). Олинган натижалардан кўринадики, ороксиллин А юқори концентрацияларда митоK_{АТФ}-канал фаоллигида кучли ўзгаришлар келтириб чиқармас экан. Шундай қилиб, ушбу тадқиқ қилинган флавоноидлар қаторида пуликарин бирикмаси изорамнетин ва ороксиллин А га нисбатан фаол эканлиги аниқланди.

Флавоноидларнинг митохондриялар нафас олиши ва оксидланишли фосфорланишга (ОФ) таъсири. Митохондрияларда ушбу флавоноидларнинг энергетик метаболизмга таъсирини аниқладик (1-жадвал). Лютеолин митохондриялардаги ОФ ва нафас олиш жараёнларига ўзига хос таъсир кўрсатди: 10 мкМ концентрацияда нафас олишни V_3 ҳолатда, назоратга нисбатан 14,5% га камайтирди, V_4 ҳолатда эса 11,5% га ингибирлади. Бунда нафас назорати (НН) ва АДФ/О кўрсаткичлари, назоратга нисбатан камайди. Бироқ, лютеолиннинг концентрацияси 20 мкМ га оширилганда митохондрия нафас олиши V_3 ҳолатда, назоратга нисбатан 12,9% га ҳамда V_4 ҳолатда эса 36,7% га ишонарли ортди. Ушбу ҳолатларда митохондриялар НН ва АДФ/О қийматлари, назоратга нисбатан, мос равишда 17,2% га ва 29,3% га камайди. Флавоноиднинг 40 мкМ концентрациясида нафас олиш V_3 ҳолатда, назоратга нисбатан, 15,1% га

хамда V_4 ҳолатда эса 53,6% га ортганлиги аниқланди. Ушбу ҳолатларда НН ва АДФ/О қийматлари, назоратга нисбатан, мос равишда 25% га ва 45,5% га камайганлиги аниқланди (1-жадвал). Демак, лютеолин жигар митохондриялари нафас олиши ва ОФ ига ўзига хос таъсир кўрсатиб, субстратлар оксидланиши ва АДФ фосфорланишини «юмшоқ ажралиши»га олиб келди.

1-жадвал

Жигар митохондрияларининг нафас олиши ва оксидланишли фосфорланиш жараёнига лютеолиннинг таъсири

Гуруҳлар	V_3	V_4	НН	АДФ/О
Назорат	85,33±5,9	34,91±3,4	2,44±0,15	1,91±0,09
Лютеолин 10 мкМ	74,37±2,5*	31,29±0,5	2,37±0,03	1,82±0,07
Лютеолин 20 мкМ	96,32±4,2*	47,74±3,7*	2,02±0,12*	1,35±0,06*
Лютеолин 40 мкМ	98,24±3,9*	53,63±3,5*	1,83±0,09*	1,04±0,09*

Изоҳ: * – $p < 0,05$; $n=4-5$.

Ороксиллин А кичикроқ концентрацияларда митохондриялар нафас олишини V_3 ва V_4 ҳолатларига деярли таъсир қилмади (2-жадвал). Ушбу флавоноиднинг митохондрия нафас олиши V_3 ҳолатига 30 ва 40 мкМ ларда ҳам таъсири сезилмади. Бироқ, ороксиллин А нинг 30 мкМ концентрацияси нафас олишнинг V_4 ҳолатида, назоратга нисбатан 38% га ишонарли равишда оширди, 40 мкМ концентрацияда эса ушбу кўрсаткични 65,1% га кўпайтирди. Шу билан бирга НН ва АДФ/О кўрсаткичлари флавоноиднинг 30 мкМ концентрацияси таъсирида, назоратга нисбатан, мос равишда 27,2% ва 19,6% га камайиши аниқланди. Ороксиллин А 40 мкМ концентрацияда НН ва АДФ/О кўрсаткичларини, назоратга нисбатан, мос равишда 38,1 ва 22,6% га камайтирди (2-жадвал). Демак, ороксиллин А ҳам, лютеолин сингари, жигар митохондриялари нафас олиши ва ОФ жараёнларига таъсир этиб, уларни «юмшоқ ажралиши»га олиб келади.

2-жадвал

Жигар митохондрияларининг нафас олиши ва оксидланишли фосфорланиш жараёнига ороксиллин А нинг таъсири

Гуруҳлар	V_3	V_4	НН	АДФ/О
Назорат	90,53±4,11	32,18±0,97	2,81±0,13	1,68±0,02
Ороксиллин А 10 мкМ	89,61±5,75	33,35±0,51	2,69±0,15	1,58±0,03**
Ороксиллин А 20 мкМ	85,32±4,53	35,37±1,87	2,41±0,23	1,60±0,02*
Ороксиллин А 30 мкМ	91,77±5,07	44,41±2,42***	2,06±0,20**	1,35±0,10***
Ороксиллин А 40 мкМ	92,54±1,91	53,0±45,30***	1,74±0,12***	1,30±0,08***

Изоҳ: * – $p < 0,05$; ** – $p < 0,01$; *** – $p < 0,001$; $n=4-5$.

Пуликарин 10 мкМ концентрацияда каламуш жигар митохондриялари нафас олишини, назоратга нисбатан V_3 ҳолатини ишончсиз камайтирди, V_4 ҳолатда эса оширди (3-жадвал). Флавоноиднинг 20 мкМ концентрацияси митохондриялар нафас олишини V_3 ҳолатини, назоратга нисбатан ишончли

равишда 13,2% га камайтирди, НН ва АДФ/О коэффициентлари, назоратга нисбатан мос raviшда 17,8% ва 14,0% га ингибирланди. Пуликариннинг 40 мкМ концентрацияси митохондрия нафас олишини метаболик V₃ ҳолатини 15% га ингибирлаган бўлса, V₄ ҳолати эса, аксинча, 15,3% га ортганлиги аниқланди. Бунинг натижасида НН ва АДФ/О қийматлари, назоратга нисбатан, мос raviшда 26,1 ва 32,0% га ингибирлангани аниқланди (3-жадвал). Ушбу флавоноид ҳам жигар митохондриялари нафас олишига ва ОФ жараёнига лютеолин ва ороксиллин А флавоноидлари сингари таъсир кўрсатиши, яъни 2 та уйғунлашган жараёнларнинг тўлиқ ажрамаслиги аниқланди.

3-жадвал

Жигар митохондрияларининг нафас олиши ва оксидланишли фосфорланиш жараёнларига пуликариннинг таъсири

Гуруҳлар	V ₃	V ₄	НН	АДФ/О
Назорат	86,16±5,9	33,94±3,8	2,53±0,11	1,78±0,04
Пуликарин 10 мкМ	83,34±3,1	34,18±2,3	2,44±0,13	1,61±0,05
Пуликарин 20 мкМ	76,13±6,2*	36,51±5,7	2,08±0,18*	1,53±0,09*
Пуликарин 40 мкМ	73,27±4,7**	39,15±1,5*	1,87±0,11**	1,21±0,06**

Изоҳ: * – $p < 0,05$; ** – $p < 0,01$; $n=4-5$.

Кейинги олиб борилган тажрибаларда каламуш жигар митохондриялари ОФ жараёнига изорамнетин флавоноидининг концентрацияга боғлиқ таъсири ўрганилди (4-жадвал). Ушбу флавоноид 10 мкМ концентрацияда жигар митохондриялари нафас олишининг V₃ ҳолатини, назоратга нисбатан 7,7% га ишонарли камайтирди. Бунда НН ва АДФ/О коэффициентлари, назоратга нисбатан мос raviшда 8,2% ва 10,9% га камайганлиги аниқланди. Флавоноиднинг 20 мкМ концентрацияси таъсирида жигар митохондриялари нафас олишининг V₃ ҳолати, назоратга нисбатан 15,9% га ингибирланган бўлса, V₄ ҳолати эса 20,4% га кўпайганлиги аниқланди. Бунда НН ва АДФ/О қийматлари, назоратга нисбатан мос raviшда 30,2% ва 18,1% га камайганлиги кўрсатилди. Флавоноиднинг 40 мкМ концентрацияси таъсирида ОФ жараёнининг V₃ ҳолати 9,6% га ингибирланган бўлса, V₄ ҳолати эса 23,3% га ортганлиги аниқланди. Ушбу ҳолатда НН ва АДФ/О кўрсаткичлари назоратга нисбатан мос raviшда 28,0% ва 38,3% га камайиши кўрсатилди (4-жадвал). Шундай қилиб, изорамнетин ҳам, юқорида ўрганилган флавоноидлар сингари, жигар митохондриялари нафас олиши ва ОФ жараёнларига «юмишқоқ ажратувчи» сифатида таъсир кўрсатади.

**Изорамнетинни жигар митохондриялари нафас олиши ва оксидланишли
фосфорланишига таъсири**

Гуруҳлар	V ₃	V ₄	НН	АДФ/О
Назорат	87,98±3,6	32,83±3,8	2,68±0,14	1,93±0,04
изорамнетин 10 мкМ	81,61±2,2*	33,14±4,3	2,46±0,18	1,72±0,07
изорамнетин 20 мкМ	74,12±4,2**	39,56±2,7*	1,87±0,11*	1,58±0,05*
изорамнетин 40 мкМ	79,66±3,7*	41,13±2,6**	1,93±0,14*	1,19±0,08**


Изоҳ: (* – $p < 0,05$; ** – $p < 0,01$; $n=4-5$).

Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, лютеолин, пуликарин, изорамнетин ва ороксиллин А флавоноидлари, бир томондан, Ca^{2+} -боғлиқ РТР га ингибирловчи таъсир кўрсатиб митохондрия мембраналарини стабиллаштиради, иккинчи томондан эса оксидланиш ва фосфорланиш жараёнларини «юмшоқ» ажратади.

Флавоноидларнинг жигар митохондрияси мембраналари пасив ион ўтказувчанлигига таъсири. Флавоноидларнинг биологик мембраналарга таъсир механизмларини ёритишда, уларнинг пасив ион ўтказувчанлигига таъсирини аниқлаш муҳим бўлганлиги сабабли, кейинги тажрибаларда нитратли изоосмотик муҳитда деэнергияланган митохондриялар ички мембраналарининг H^+ , K^+ , Na^+ ва Ca^{2+} ионлари учун пасив ўтказувчанлигига флавоноидларнинг таъсири ўрганилди. Пуликарин ва изорамнетин каламуш жигари митохондриялари ички мембранасининг тадқиқ этилган катионлар учун пасив ўтказувчанлигига деярли таъсир кўрсатмади.

Ороксиллин А NH_4NO_3 ли изоосмотик муҳитда митохондрия мембранасининг протонлар учун пасив ўтказувчанлигини 10 мкМ концентрацияда, назоратга нисбатан 38 % га, 20 мкМ концентрацияда - 78 % га, 30 мкМ концентрацияда - 120 % га, 40 мкМ концентрацияда - 156 % га, 50 мкМ концентрацияда эса 220 % га оширди (3,а-расм). Ороксиллин А нинг 10 мкМ концентрацияси KNO_3 ли изоосмотик муҳитда, митохондриялар ички мембранаси K^+ ионлари учун ўтказувчанлигини, назоратга нисбатан 45,6% га оширди. Ушбу флавоноиднинг юқори 50 мкМ концентрацияси K^+ - ўтказувчанлигини, назоратга нисбатан 132,5% га оширди. Ороксиллин А нинг, митохондриялар ички мембранасининг Na^+ ионлари учун ҳам пасив ўтказувчанлигини, назоратга нисбатан оширди: ушбу кўрсаткичлар 10 ва 20 мкМ концентрацияларда мос равишда 33 ва 79,3% ни, 30, 40 ва 50 мкМ концентрацияларда эса мос равишда 127,6%, 162,3 ва 190,4% ни ташкил қилди. Митохондрия ички мембранасининг $Ca(NO_3)_2$ ли муҳитда, Ca^{2+} ионлари учун пасив ўтказувчанлигига ороксиллин А нинг таъсири ўрганилганда, ушбу флавоноиднинг 25, 50, 75 ва 100 мкМ концентрациялари Ca^{2+} -ион ўтказувчанлигини, назоратга нисбатан мос равишда, 8,1%, 14,2%, 33,5 ва 41,1 % га ишонарли ошириши аниқланди (3,а-расм). Шундай қилиб, ороксиллин А протонофорлик ва ионофорлик хоссаларини намоён қилди, бу эса ушбу флавоноиднинг оксидланиш ва фосфорланиш жараёнларини ажратиш механизмини изоҳлаб беради.

Лютеолин ҳам ороксиллин А каби митохондрия ички мембранаси пасив ўтказувчанлигини турли ионлар учун оширди. Митохондриянинг протонлар учун пасив ўтказувчанлиги, лютеолиннинг 10 мкМ концентрацияси таъсирида, назоратга нисбатан 34% га, 20 мкМ концентрацияси таъсирида - 54% га, 30, 40 ва 50 мкМ концентрациялари таъсирида эса, мос равишда 111, 165 ва 198% га юқори бўлди. Лютеолиннинг 10 мкМ концентрацияси KNO_3 ли изоосмотик мухитда митохондриялар ички мембранаси K^+ ионлари учун ўтказувчанлигини, назоратга нисбатан 17,6% га оширди. Ушбу флавоноиднинг юқори 50 мкМ концентрацияси K^+ ионлари учун мембрана ўтказувчанлигини, назоратга нисбатан 99,3 % га оширди. Лютеолин ҳам 10 мкМ концентрацияда митохондрия мембранаси Na^+ ионлари учун пасив ўтказувчанлигини, назорат кўрсаткичларига нисбатан, 59,8 % га кўпайтирди. Флавоноиднинг 20, 30, 40 ва 50 мкМ концентрациялари таъсирида митохондрия ички мембранасининг Na^+ ионлари учун пасив ўтказувчанлиги, назоратга нисбатан, мос равишда 125,3%, 180,7%, 233,8% ва 275,2% га ортганлиги аниқланди.



3-расм. Ороксиллин А ва лютеолин флавоноидларининг изоосмотик тузли мухитда жигар митохондриялари мембраналарининг ионлар учун пасив ўтказувчанлигига таъсири. а) ороксиллин А нинг H^+ ионлари учун мембрана ўтказувчанлигига таъсири; б) лютеолиннинг Ca^{2+} ионлари пасив транспортига таъсири (* – $p < 0,05$; ** – $p < 0,01$; *** – $p < 0,001$; $n=6$).

Лютеолин ҳам митохондрия ички мембраналарининг Ca^{2+} ионлари учун пасив транспортига ороксиллин А каби таъсир қилди (3,б-расм). Ушбу флавоноид 10 мкМ концентрацияда митохондрия мембранасининг Ca^{2+} -ўтказувчанлигини, назоратга нисбатан 15,2% га, 20 мкМ концентрацида эса 22,8% га ошириши аниқланди. Лютеолиннинг 30, 40 ва 50 мкМ концентрациялари таъсирида митохондрия пасив Ca^{2+} -ўтказувчанлиги, назоратга нисбатан, мос равишда 36,7%, 46,1% ва 59,4% га ишонарли оширди. Ороксиллин А ва лютеолиннинг иккита молекуласининг 2 та гидроксиль гуруҳи, бизнинг фаразимизча, битта Ca^{2+} ионини бириктириб мембранадан пасив ўтказди.

Ушбу олинган натижалар, яъни флавоноидларни аниқланган протонофорлик ва ионофорлик хоссалари, флавоноидлар таъсиридаги оксидланиш ва фосфорланиш жараёнларининг қисман ажралишининг механизми бўлиши мумкин; ионларнинг митохондрия мембранасидан ташилиши натижасида мембрана потенциали пасайиб кетади ва оксидланишли фосфорланишни ажралишига олиб келади.

Флавоноидларнинг митохондриялар ЛПО жараёнларига таъсири.

Ҳозирги вақтда жаҳоннинг етакчи лабораторияларида оксидатив стресс ва ЛПО натижасида келиб чиққан зарарли жараёнларни ингибирлаш, турли патологиялардаги мембранавий бузилишларни коррекция қилиш мақсадида флавоноидларнинг мембраналарга таъсир механизмлари кенг қамровли ўрганилмоқда.

Таҷрибаларда *in vitro* шароитда, Fe^{2+} /аскорбат тизими иштирокида митохондрия мембраналарида МДА ҳосил бўлиш жараёнига ороксилин А, лютеолин, пуликарин ва изорамнетин флавоноидларининг турли концентрацияларининг таъсири аниқланди. Ороксилин А флавоноидининг 4 мкМ концентрацияси Fe^{2+} /аскорбат чақирган МДА ҳосил бўлиши, назоратга нисбатан 16,4% га, 12 мкМ концентрацияда эса 34,1% га, 20 мкМ концентрацияда 65,7% га ва 28 мкМ концентрацияда 86,3% га ингибирлаши аниқланди. Шундай қилиб, ороксилин А, Fe^{2+} /аскорбат тизими иштирокида чақирилган ЛПО жараёни индукциясини концентрацияга боғлиқ равишда камайтиради; флавоноиднинг яриммаксимал ингибирловчи концентрацияси қиймати $IC_{50} = 15,6 \pm 2,4$ мкМ ни ташкил қилди.

Лютеолиннинг 4 мкМ концентрацияси каламуш жигари митохондрияларида Fe^{2+} /аскорбат чақирган МДА ҳосил бўлишини, назоратга нисбатан 18,0% га, 12 мкМ концентрацияда 52,0% га, 20 мкМ ва 28 мкМ концентрацияларда эса мос равишда 80,8% ва 92,1% га ингибирлади. Флавоноиднинг ЛПО жараёнининг яриммаксимал ингибирловчи концентрацияси $IC_{50} = 11,2 \pm 3,2$ мкМ ни ташкил қилиши аниқланди.

Навбатдаги таҷрибаларда митохондриялар моделида пуликарин флавоноидининг антиоксидант хоссалари аниқланди. Митохондрияларда Fe^{2+} /аскорбат тизими чақирган МДА ҳосил бўлишини, пуликарин 4 мкМ концентрацияда назоратга нисбатан 6,0% га, 12 мкМ концентрацияда эса 26,1% га, 20 ва 28 мкМ концентрацияларда, мос равишда 50,0 ва 80,5% га камайтирди. Пуликарининг ЛПО жараёнини яриммаксимал ингибирловчи концентрацияси $IC_{50} = 20,0 \pm 2,2$ мкМ ни ташкил этди.

Изорамнетиннинг Fe^{2+} /аскорбат тизими чақирган МДА ҳосил бўлиш жараёнига таъсири ўрганилганда, ушбу флавоноиднинг 4, 12, 20 28 мкМ концентрациялари ЛПО жараёнини, назоратга нисбатан, мос равишда 14,2, 40,0%, 79,1 ва 97,3% га ингибирлаши аниқланди. Ушбу флавоноиднинг таъсир эттирилган концентрациялари диапозонида унинг яриммаксимал ингибирловчи концентрацияси $IC_{50} = 13,6 \pm 5,6$ мкМ га тенг бўлди.

Адабиётлардан маълумки, флавоноидлар кимёвий структурасида гидроксил гуруҳларнинг мавжуд бўлиши кислород фаол шакллари – супероксид радикал (O_2^-), водородпероксид (H_2O_2) ва гидроксил

радикалларни (OH^-) нейтраллаш қобилиятини белгилаб беради. Кверцетин билан олинган квант кимёвий ҳисоб-китобларга кўра, флавоноид халқасининг 4'-, 3'- ва 3-гидроксил гуруҳлари радикаллар билан реакцияга фаол киришади. Тадқиқотларимизда ўрганилган флавоноидларнинг структурасидаги гидроксил гуруҳларнинг жойлашиш ўрни бўйича кверцетинга яқинроғи пуликарин ва изорамнетин бўлиб, пуликарин структурасида кверцетинга ўхшаш 4'-, 3'- ва 3-гидроксил гуруҳлар ўрнида метокси гуруҳлар жойлашган, изорамнетин эса бевосита кверцетиннинг ҳосиласи бўлиб, 3'-ҳолатда метокси гуруҳи жойлашган. Бу иккала флавоноид структуравий тузилишидан келиб чиқадиган бўлсак, кверцетинга ўхшаш таъсирга эга эканлигини кўраимиз. Ушбу флавоноидлар *in vitro* тадқиқотларда Fe^{2+} /аскорбат тизими бўйича чақирилган ЛПО натижасида каламуш жигар митохондрияларида МДА ҳосил бўлиш жараёнини пуликарин 80,0% га, изорамнетин эса 97,3% га ингибирлаши аниқланди. Бундан кўриниб турибдики, изорамнетин пуликарин флавоноидига нисбатан юқори антиоксидант фаоллигига эга. Лютеолин ва ороксиллин А флавоноидлари структуравий тузилиши ва гидроксил гуруҳларнинг жойлашиши ва сони бўйича кверцетиндан фарқ қилади. Бироқ лютеолин флавоноиди структурасида гидроксил гуруҳларнинг кўплиги билан ороксиллин А флавоноидидан антиоксидант таъсири бўйича устунлиги кўзга ташланади. Лютеолин флавоноидининг структурасидаги 4'- ва 3'-ҳолатлардаги гидроксил гуруҳлар кверцетин структурасига мос келади. Аниқланишича, ушбу ҳолатдаги гидроксил гуруҳлар радикаллар билан фаолроқ реакцияга киришиб, уларни нофаол ҳолатга ўтказишади. Шундан бўлса керак, лютеолин флавоноиди *in vitro* тадқиқотларда антиоксидант фаоллигини ўрганиш Fe^{2+} /аскорбат тизими бўйича чақирилган липидларнинг перекисли оксидланиши натижасида каламуш жигар митохондрияларида МДА ҳосил бўлиш жараёнини 92,1% га ингибирлаши аниқланди. Бироқ ороксиллин А структурасидаги гидроксил гуруҳларнинг камлиги ва уларни 5-, 6- ва 7-ҳолатларда жойлашиши ҳамда шу билан кверцетин структурасидаги гидроксил гуруҳларни жойлашишига нисбатан фарқ қилиши ушбу флавоноидни *in vitro* тадқиқотларда Fe^{2+} /аскорбат тизими бўйича чақирилган липидларнинг перекисли оксидланиши натижасида каламуш жигар митохондрияларида МДА ҳосил бўлиш жараёнини 86,0% га ингибирлаши аниқланди.

Шундай қилиб, ўрганилган флавоноидлар митохондриялар дисфункциясига боғлиқ патологияларнинг ривожланишини олдини олиб, мембраналарга специфик коррекцияловчи таъсир кўрсатади.

ХУЛОСАЛАР

1. Изорамнетин, лютеолин, ороксиллин А ва пуликарин флавоноидлари *in vitro* шароитда митохондриялар мембраналари Ca^{2+} -боғлиқ РТР ни ингибирлайди, уларнинг ярим максимал (IC_{50}) концентрациялари

лютеолин флавоноиди учун $137,4 \pm 5,3$ мкМ ни, изорамнетин флавоноиди учун $103,70 \pm 3,5$ мкМ ни, ороксиллин А флавоноиди учун $108,4 \pm 4,5$ мкМ ни ва пуликарин флавоноиди учун эса $123,0 \pm 3,5$ мкМ ни ташкил этади. Флавоноидларнинг митохондрия РТР сини очилишини ингибирлаши, уларни митохондрия функциясига таъсир қилиш механизмларидан бири бўлиши мумкин.

2. Изорамнетин ва пуликарин флавоноидлари каламуш жигари митохондриялар мембранасида жойлашган митоK_{АТФ}-канал фаоллигини концентрацияга боғлиқ равишда фаоллаштиради, бу эса гипоксия, ишемия ва реперфузия ҳолатларида тўқималарнинг зарарланишини олдини олишда муҳим роль ўйнаши мумкин. Лютеолин флавоноиди эса қуйи 10-30 мкМ концентрацияларда митоK_{АТФ}-канални фаоллаштириб, юқорироқ 40-50 мкМ концентрацияларда ушбу канал фаоллигини максимумига нисбатан ингибирлайди.

3. Тадқиқ этилган лютеолин ҳамда ороксиллин А флавоноидлари митохондриялар ички мембранасининг K⁺, Na⁺, H⁺ ва Ca²⁺ ионлари учун пассив ўтказувчанлигини оширади. Ушбу натижалар флавоноидлар таъсиридаги оксидланиш ва фосфорланиш жараёнларининг қисман ажралишининг механизми бўлиши мумкин.

4. Изорамнетин ва пуликарин флавоноидлари каламуш жигар митохондриялари нафас олиши ва оксидланишли фосфорланиш жараёнларига самарали таъсир этади. Лютеолин ва ороксиллин А флавоноидлари эса оксидланиш ва фосфорланиш жараёнларининг қисман ажралишига олиб келади.

5. Изорамнетин, лютеолин, ороксиллин А ва пуликарин флавоноидлари митохондрия мембранасида Fe²⁺/аскорбат билан чақирилган липидларнинг перекисли оксидланишини ингибирлайди. Ушбу флавоноидларнинг *in vitro* шароитида жигар митохондриялари мембраналарида антиоксидантлик фаолликлари қуйидаги қатор бўйича бўлиши аниқланди: изорамнетин > лютеолин > ороксиллин А > пуликарин.

6. Изорамнетин, лютеолин, ороксиллин А ва пуликарин флавоноидларнинг митохондриялар ион транспорт тизимлари тўғрисида олинган маълумотлар, митохондриялар дисфункцияси билан боғлиқ бўлган патологияларни даволаш учун самарали дори воситаларини яратишга назарий асос бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.B.01.13 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИОФИЗИКИ И
БИОХИМИИ НАЦИОНАЛЬНОГО УНИВЕРСИТЕТА УЗБЕКИСТАНА**

ИНСТИТУТ БИОФИЗИКИ И БИОХИМИИ

КОМИЛОВ ЭСОХОН ЖУРАЕВИЧ

**МЕХАНИЗМЫ ДЕЙСТВИЯ НЕКОТОРЫХ ФЛАВОНОИДОВ НА ИОН-
ТРАНСПОРТИРУЮЩИЕ СИСТЕМЫ МИТОХОНДРИЙ**

03.00.08–Физиология человека и животных

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.2. PhD/B72

Диссертация выполнена в Институте биофизики и биохимии при Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (русский, узбекский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (ibb-nuu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Асраров Музаффар Исламович**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Шахмурова Гульнара Абдуллаевна**
доктор биологических наук, профессор

Кулкарарев Абдисалим Каримович
кандидат медицинских наук, доцент

Ведущая организация: **Андижанский государственный университет**

Защита диссертации состоится «14» ИЮНЬ 2020 года в 16⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.B.01.13 при Институте биофизики и биохимии при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, ул. Университетская 174. Тел.: (+99871) 246-68-96.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биофизики и биохимии при Национальном университете Узбекистана (зарегистрирована под № 13). Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, ул. Университетская 174. Тел.: (+99871) 246-68-96. e-mail: ibb-nuu@mail.ru

Автореферат диссертации разослан: «12» ИЮНЬ 2020 г.
(реестр протокола рассылки № 1 от «12» ИЮНЬ 2020 г.)



Р.З. Сабиров
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., академик

Р.Ш. Курбанназарова
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней д.б.н.

И.Г. Ахмеджанов
Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире одной из актуальных задач является поиск и внедрение новых эффективных фармакологических средств для лечения сердечно-сосудистых, эндокринных, онкологических, нервных и других заболеваний. В связи с тем, что лекарственные средства на основе природных соединений являются более безопасными и эффективными по сравнению с синтетическими аналогами, большое внимание уделяется химическим соединениям полифенолов при разработке новых лекарств. Также, важно определить механизмы действия полифенольных соединений, которые составляют основу лекарств, на клеточном, митохондриальном и молекулярном уровнях.

В последние годы в ведущих научных центрах мира на основе различных растительных флавоноидов разработаны новые эффективные фармакологические препараты. Выявлены антиоксидантные и антигипоксантные свойства данных препаратов, а также показано их влияние на клеточные, апоптотические и мембранные процессы. В настоящее время при создании новых фармагентов, необходимо выявлять механизмы их действия на биомембраны, митохондрии в различных патологических состояниях и коррекции мембранных нарушений.

В настоящее время в нашей стране особое внимание уделяется разработке перспективных лекарственных средств на основе растительных полифенолов. При этом выявлены фармакологические свойства множества флавоноидов, их действие на различные клеточные и физиологические процессы, протекающие в организме. Однако до сих пор не выяснены механизмы их действия на организм на молекулярном и мембранном уровнях. В четвертом направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи, направленные на «дальнейшее развитие фармацевтической промышленности, улучшение обеспечения населения доступными качественными лекарственными средствами и медицинскими учреждениями....». В реализации поставленных задач особую роль играют исследования, направленные на установления механизмов действия растительных полифенолов на мембранные и митохондриальные процессы, коррекции флавоноидами мембранных нарушений и создание новых фармакологических средств на основе изученных полифенолов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» № УП-4947 и в Постановлении

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» № УП-4947.

Президента Республики Узбекистан от 14 февраля 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли» ПП-3532, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В настоящее время в ведущих научных центрах мира проводятся исследования по выяснению механизмов действия растительных флавоноидов на биологические мембраны и протекающие в них процессы. В частности, A. Choi и соавторы на нейробластомах (2011), Q. Chen и соавторы (2012), G. Seelinger и соавторы (2008) на карциномах показали, что лютеолин индуцирует апоптоз и активирует различные ферменты каспазы. Кроме этого, Qiao и соавторы (2016) показали, что флавоноид ороксиллин А проявляет антиканцерогенную активность, контролируя белки, которые разобщают процессы окислительного фосфорилирования в митохондриях.

